

ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА ТАРИХ ДАРСЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШИНГ ИСТИҚБОЛЛАРИ ХУСУСИДА

Исматова Мадина Тошбул қизи

Жиззах шаҳар 12-сонли умумтаълим мактаби тарих фани ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.17499125>

Аннотация. Мазкур мақолада муаллифнинг тарих дарсларини ташкил этишда замонавий технологиялардан фойдаланишнинг аҳамияти хусусидаги фикр-мулоҳазалари баён қилинган.

Калит сўзлар: Янги Ўзбекистон, ислоҳот, Президент, тарих, маънавий бойлик, манба, замонавий технологиялар, инновацион фаолият, малакали кадр, ўқувчи-талаба.

Бугунги кунда Ўзбекистон ўз тараққиётининг янги босқичига қадам қўймоқда. Фуқаролар юртимизда кечаётган ислоҳотларни рўёбга чиқаришнинг фаол иштирокчисига айланмоқда. Ўзбекистонда олиб борилаётган чуқур ислоҳотлар халқаро экспертлар томонидан “шиддатли мўъжизавий ҳолат” деб баҳоланмоқда.

Ҳар бир мамлакатнинг иқтисодий қудрати, ижтимоий-маънавий ҳаёт даражасининг юксалиши, таълим тизимининг рақобатбардошлиги илм-фан тараққиёти билан белгиланади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича “Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони асосида таълим соҳасини тубдан такомиллаштириш, таълим сифатини ошириш, интеллектуал салоҳиятли, жисмоний баркамол авлодни шакллантириш ҳамда иқтисодиётнинг турли соҳалари учун малакали кадрлар тайёрлаш устувор вазифалар сифатида қайд этилди [1].

“Биз Ўзбекистонни ривожланган мамлакатга айлантиришни мақсад қилиб қўйган эканмиз, бунга фақат жадал ислоҳотлар, илм-маърифат ва инновация билан эриша оламиз. Шарқ донишмандлари айтганидек, “энг катта бойлик, бу – ақл заковат ва илм, энг катта мерос, бу-яхши тарбия, энг катта қашшоқлик, бу-билимсизликдир!”. Шу сабабли ҳаммамиз учун замонавий билимларни ўзлаштириш, чинакам маърифат ва юксак маданият эгаси бўлиш узлуксиз ҳаётий эҳтиёжга айланиши керак”, - дея кўп бор таъкидлайди муҳтарам Президентимиз Ш.М.Мирзиёев ўз нутқларида[3].

Шунинг учун ҳам республикамызда янги давр кишисини камол топтиришда, унда янгича дунёқарашни шакллантиришда тарих фанига жиддий эътибор қаратиб келинмоқда. Маълумки, тарихий тадқиқотнинг муҳим манбалари-архив ҳужжатлари, нашрлар, ашёвий далиллар ва ҳк.лар устидаги махсус профессионал иш ҳисобланади. Иморатни, у хоҳ катта бўлсин, хоҳ кичик, пойдеворсиз қуриб бўлмаганидек, тарихни ҳам манбаларсиз яратиб бўлмайди. Айниқса узоқ ўтмиш ҳақида ёзиш қийин. Сабаби шуки, орада жуда катта вақт ўтган. Бу-биринчидан. Иккинчидан, ўша ўтмиш ҳақида жуда кам маълумот сақланган. Археолог олимларимиз узоқ ўтмишдан қолган осору атиқаларни тадқиқ этишда кейинги 30 йил ичида озми-кўпми муваффақиятларни қўлга киритдилар. Лекин, барибир Ўзбекистон ҳудуди ҳали етарли даражада ўрганилди, деб айта олмаймиз [4].

Дарҳақиқат, маънавий бойликларимиз, яъни ота-боболарнинг ақл-заковати билан битилган қўлёзма асарлар ҳад-ҳисобсиз бўлган. Лекин уларнинг катта қисмини уруш-талашлар, 20-30- йилларда амалга оширилган “маданий инқилоб” ва 30-50 йиллар

ичида бўлган қатағонлар олиб кетди. Сара китобларимиз Россия ва бошқа хорижий мамлакатларга ташиб кетилди.

Фақатгина миллий истиқлолимиз шарофати билан бой ва кўхна тарихимизни тиклаб олиш имкониятига эга бўлдик. Таниқли академик олимимиз Б.Аҳмедовнинг таъкидлашича, “...лекин, бой бериб қўйилган 130 йилнинг ўрнини тўлдириш осон бўлмаса керак. Бунинг учун олимларимиз, қўйингки, барча зиёлилар бир бўлиб кўп меҳнат қилишимизга тўғри келади” [4].

Таъкидлаш керак, Ўзбекистон тарихи фани ва тарихни ўрганишда манбаларнинг ўрни ва аҳамияти беҳад катта. Чунки, тарихий асарларнинг катта қисмини ёзма манбалар ташкил қилади. Тарихий ёзма манбаларни ўрганишда холислик, илмийлик, қиёсий таҳлил, бирламчи манбанинг устуворлигини, комплекс ёндашув каби принципларга амал қилиш талаб этилади [5].

Бугунги кунда тадқиқотчи олимлар чиндан содир бўлган ҳақиқатларни билишга кўпроқ эҳтиёж сезадилар. Бу эҳтиёжни қондириш учун барча тарихий воқеаларни илмий жиҳатдан асослаб бериш, қайси тарихий факт қайси манбанинг нечанчи саҳифасидан олинганлигига аниқ кўрсатиш, айни вақтда уларни кўпчилик яхши тушунадиган жонли сўз ёрдамида таҳлил ва талқин этиб, қизиқарли шаклда китобхон дилига етказиб бериш мақсадга мувофиқдир [6].

Қадимиятни ўрганишимизда тарихий манбалар асосий восита бўлиб, улар ўз тавсифига кўра ёзма, оғзаки, моддий ва адабий каби турларга бўлинади. Бироқ, ушбу манбалар тарих манзарасини асл ҳолича яратмайди ва уларда мужассамлашган ахборотларни ҳам тўғридан-тўғри қабул қилиб бўлмайди. Тарих тадқиқотини амалга оширишда манбашунослик иши муҳим ўрин тутати. Тарихий воқеаларни тиклаш учун ушбу манбаларни танқидий ўрганиш, таҳлил ва талқин қилиш керак бўлади. Фақат тарихчигина тарих манзарасини ўз фаолияти орқали тиклай олади [8].

Бироқ, масаланинг нозик томони шундаки, энг аввало манбалардан фойдаланганда уларни бирламчи (асл) ва иккиламчи (ёрдамчи)га ажратиб олиш керак. Манбаларнинг ишончлилиги ва холислигига кўра, яъни, биринчи даражалисини иккинчи даражалисидан, асл бирламчи манбани иккиламчи манбадан, асосийсини ёрдамчисидан фарқлаш зарур бўлади. Ва яна шунингдек, манба ким томонидан битилгани, қайси манфаат позициясидан туриб баён қилингани муҳим аҳамиятга эгаллигини эсдан чиқармаслик лозим бўлади.

Дейлик, Соҳибқирон Амир Темур ҳақида ёзилган бирламчи ва асосий манбалар қаторига “Темур тузуклари”, Низомиддин Шомийнинг “Зафарнома”си, Ибн Арабшоҳнинг “Амир Темур тарихи”ни қўшишимиз мумкин. Иккиламчи манбаларга эса Салоҳиддин Тошкандийнинг “Темурнома” асари, рус зобити М.Иваниннинг “Икки буюк саркарда: Чингизхон ва Амир Темур” асарини келтиб ўтиш мумкин. Аммо бирламчи манбалар ҳам воқеа-ҳодисаларга ёки тарихий шахсларга холис баҳо бера олмайди. Масалан, Муқанна кўзғолони бўйича бирламчи манбалардан бўлган Наршахийнинг “Тарихи Бухоро” асарида “оқ кийимлилар” ва Хошим ибн Ҳакимга салбий позициядан туриб баҳо берилган ёки тарихчи Муҳаммад Солихнинг “Шайбонийнома” дostonида Муҳаммад Шайбонийхон “Имом аз-замон” деб улуғлансада, Заҳириддин Муҳаммад Бобур қораланади [5].

Тарихчининг фуқаролик қараши “ижтимоийлиги” тарихий асарлар характерини белгилайди, манбаларни талқин қилиш қобилияти ўзи яратаётган давр нуқтаи назаридан эмас, авваламбор, ўрганилаётган давр нуқтаи назаридан белгиланади. Манбаларни таҳлил қилишда ўрганилаётган давр инсонларининг фикрлари, тасаввурлари ва жамиятда кечаётган жараёнга қарашларидан келиб чиқиши керак [9].

Фаннинг ўзига мос “ўқилдизи”, яъни ўзаги, бу- тарихий манбалардир. Ўқувчиларни тарих фани билан тарбиялашда, уларда тарихий хотира ва тарихий тафаккурни шакллантиришда манбаларнинг аҳамияти ва роли бебаҳо. Шунинг учун ҳам улар миллат ва халқнинг маънавий-маданий мероси, бебаҳо маданий-тарихий бойлиги ҳисобланиб, махсус ҳужжатхона (архив)ларда, кутубхона ва музейларда ҳамда оилавий архивларда жуда авайлаб, эҳтиёткорлик билан сақланмоқда [7].

Педагог-ўқитувчининг инновацион фаолияти-янгиликларни таҳлил қилиш ва баҳолаш, келгусидаги фаолиятининг аниқ мақсадини шакллантириш, уни амалга ошириш ва тўғрилаш имкониятларидир. Бунда ижтимоий-гуманитар фанлар тараққиётининг ўзига хос хусусиятлари ва уларни ўқитишнинг муҳим аҳамият касб этиши ҳамда устувор йўналишларини очиб бериш, фанларни ўқитишдаги инновациялар ва илғор хорижий тажрибаларни қиёсий таҳлил этган ҳолда иш олиб бориш талаб этилади.

Зеро, таълим тизимида содир бўлаётган шиддатли ўзгаришлар биз ўқитувчи-педагоглардан ўқувчилар онгида бугунги давр ўзгаришларига ҳамоҳанг равишда таълимга инновацион ўқитиш технологияларини самарали татбиқ этишни ва унинг янгича моделларини шакллантиришни тақозо этаётир. Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 24 майдаги “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида “Бой тарихий, илмий, маънавий-интеллектуал меросимизни сақлаш, илмий таҳлил қилиш, унинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти ҳақида соҳа мутахассисларига, тегишли таълим йўналишларида таҳсил олаётган ўқувчи ва талабаларга батафсил маълумотлар бериб бориш, буюк аллома ва мутафаккирларимиз асарларини дунё ҳамжамияти ўртасида кенг тарғиб этиш, замонавий илм-фан, маънавият ва амалиёт ривожига ундан самарали фойдаланиш ва келгуси авлодларга етказиш” вазифалари қўйилган [2].

Биргина мисол, “Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг ижтимоий-гуманитар фанлар соҳасидаги илмий тадқиқот муассасаларини бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш ҳамда илмий тадқиқот натижадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлари тўғрисида”ги Вазирлар Маҳкамаси Қарори қабул қилинди. Мазкур Қарорга кўра, мамлакатда академик илм-фанни янада ривожлантириш, Фанлар академиясининг ижтимоий-гуманитар фанлар бўлими таркибига кирувчи илмий-тадқиқот муассасаларида илмий-тадқиқот фаолиятини ташкил этиш ва тадқиқот олиб бориш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш мақсад қилинган [10].

Хулоса қилиб айтганда, ижтимоий фан вакиллари олдида қўйилган ушбу вазифаларни бажариш бевосита тарих фани тараққиётига хизмат қилиб, халқнинг

тарихий онги ва хотирасини ҳамда ҳар бир ўсиб келаётган ёш авлод қалбида Ватан туйғусини шакллантиришда муҳим омил бўлиши шубҳасиздир.

Adabiyotlar, References, Литературы:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича “Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги RF-4947-сонли Фармони. “Халқ сўзи” газетаси, 2017 йил, 8 феврал.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 майдаги “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори. “Маърифат” газетаси, 2017 йил 27 май, 42-сон.
3. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан-миллий юксалиш сари. 4-жилд. Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2020.
4. Аҳмедов Б. Тарихдан сабоқлар. Т.: Ўқитувчи, 1994.
5. “Халқ таълими” журнали. 2017 йил №5-сон.
6. Қодиров П. Амир Темур сиймоси. Т.: Ўзбекистон, 2007.
7. Эшов Б.Ж., Одилов А.А. Ўзбекистон тарихи. I-жилд. Т.: Янги аср авлоди. 2014.
8. Дониёров А. Марказий Осиё халқлари тарихшунослиги. Т.: NIF MSH. 2020.
9. Медушевская О.М. Источниковедение и гуманитарная культура // Отечественные архивы. 1992. №4.
10. <https://regulation.gov.uz/uz/dokument/9637>